



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 27 октябрь, № 229 (8572)


Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚОЗОҒИСТОН БИЛАН ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Ерлан Кошановни қабул қилди.



Учрашув аввалида Қозоғистон Парламенти Мажлисининг Раиси давлатимиз раҳбарига Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Сўхбатда икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари ва қўшма корхоналар сони барқарор ўсиб бормоқда, автомобилсозлик, тўқимачилик, электротехника, логистика ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси ўртасидаги Парламентлараро кенгашининг бугун бўлиб ўтган биринчи йиғилишининг самарали натижалари алоҳида қайд этилди.

Олий даражадаги келишувларни сўзсиз бажариш, худудлар ўртасидаги ҳамкорликни ва маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш мақсадида яқин парламентлараро алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасида, ўз-ўзини бошқариш органларини ривожлантириш ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида тажриба алмашиш, шу жумладан, ёш депутатлар делегацияларининг ташрифларини ташкил этиш ҳамкорлигининг муҳим йўналиши сифатида белгилаб олинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЭНЕРГЕТИКА ИСЛОҲОТИДАГИ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида 26 октябрь куни энергетика бозори регулятори фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари бўйича тақдимот ўтказилди.

Мамлакатимиз энергетика соҳаси босқичма-босқич ислоҳ қилиб келинмоқда. Биринчи босқичда бошқарув тизими ўзгартирилди. Сўнгги йилларда 22 та электр станцияси, жумладан, илгари генерация бўлмаган вилоятларда янги станциялар ишга туширилди. Электр генерацияси тизимига илк бор хусусий капитал жалб қилинмоқда.

Ҳозирги кунда жами қувватлар 85 миллиард киловатт соатга етган. Келгуси йилларда яна 20 гигаваттлик қувватларни ишга тушириш мўлжалланган. Етти миллиард доллар хусусий сармоя эвазига 9 гигаватт қувват яратиш режалаштирилган.

Жадал ривожланаётган иқтисодий тизим ва аҳолининг ўсиб бораётган талабини қондириш учун электр ишлаб чиқариш ҳажмини камида 120 миллиард киловатт соатга етказиш мақсад қилинган. Янги қувватларни ишга тушириш ва тармоқларни тўлиқ модернизациялашга 52 миллиард доллар инвестиция зарурлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Бундай катта ҳажмдаги инвестицияларни хусусий сектор иштирокисиз шакллантириб бўлмайди. Соҳанинг хусусий инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш учун эса, халқаро тажриба кўрсатганидек, энг аввало, очик рақобат муҳитига эга энергетика бозорини яратиш керак.

Айни шу мақсадлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 28 сентябрдаги “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган.

Унга кўра 2026 йилга бориб электр энергияси талаб ва тақлиф асосида шаклландирган эркин, улгуржи бозор ишга тушади. Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, бозор инфратузилмасини яратиш, энергетика тизимини энг қуйи бўғинига қадар рақамлаштириш, инсон омилисиз реал вақтда ишлайдиган ақли бошқарув тизимини (SCADA) жорий этиш зарур.

Кўплаб давлатларда бу ислохотлар учун 15 йил вақт кетган. Мамлакатимизда бунга уч босқичда, 2030 йилгача яқунлаш режалаштирилган.

Шу боис агентликка билимли мутахассис ва хорижий консултантлар ишга олинади. Ходимлар Испания, Хитой, Туркия ва Германияга малака оширишга юборилади. Хорижий тажриба асосида юртимизда ҳам муҳандис, диспетчер, SCADA оператори ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув курслари ташкил қилинади.

Тақдимотда кўриб чиқилган масалалар юзасидан соҳа масъулларига қатор топшириқлар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш соҳасига хусусий сектор жалб қилиниши муносабати билан «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 25 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 30 сентябрда маъқулланган

Мамлакатимизда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш, маъмур соҳаларда халқаро стандартларни тизимли равишда жорий этиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан метрология хизматларини кўрсатиш соҳасига хусусий секторни кенг жалб этиш ҳамда давлат ташкилотлари билан бир қаторда унинг ушбу соҳада фаол иштирок этиши учун кўпроқ имкониятлар бериш зарурати юзага келмоқда.

Маъмур Қонун билан «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўлчаш воситаларини қиёслаш хизматлари республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган юридик шахсларнинг метрология хизматлари томонидан кўрсатилишини, ўлчаш натижалари давлат аҳамиятига эга бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлинишини, шунингдек метрология текшируви ҳамда давлат метрология назорати функцияларининг ажратилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун метрология соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилишига ва фаол рақобат муҳити шакллантирилишига хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Метрология тўғрисида»ги 1004-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 7 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-614-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 4, 254-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 2, 106-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модда:** бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«метрологияга оид фаолият соҳасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради»; қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ўлчаш натижалари давлат аҳамиятига эга бўлган ўлчаш воситалари туркумлари рўйхатини тасдиқлайди»;

(Давоми 2-бетда).

АЛОҚАЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ТАКЛИФЛАРИ БИЛДИРИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Ерлан Кошанов билан учрашди.

Мулоқот

Азалий қардош ўзбек ва қозоқ халқларининг ўтмиши ҳамда бугуни, орзу-ниятлари ва интилишлари муштараклиги нафақат мамлакатларимиз ўртасидаги, балки минтақавий ва халқаро кун тартибидagi масалаларни ҳал этиш борасидаги

саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда муҳим роль ўйнаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатларимиз раҳбарларининг ўзаро ишонч ва мустаҳкам сиёсий иродаси туфайли стратегик шериклик ва иттифоқчиликка асосланган муносабатлар юксак даражага кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда икки мамлакат савдо-иқтисодий ҳамкорлигига эътибор қаратилиб, сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошгани, биргина жорий йилнинг январь — август ойларида савдо айланмаси 2,8 миллиард долларга етгани айтилди.

Шунингдек, мулоқот давомида Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчи корхоналари ўртасида кооперация лойиҳалари амалга оширилиётгани, савдо ҳажмини 10 миллиард долларга ошириш учун барча асос мавжудлиги таъкидланди.

2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон — Қозоғистон:

ЎЗАРО ИШОНЧЛИ МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг кеча Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Ерлан Кошанов бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тарихи ва маданияти муштарак бўлган ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлиги узок ўтмишга бориб тақ-

лади. Қозоғистон Ўзбекистон учун энг яқин, ишончли ва давр синовидан ўтган ҳамкор. Ўзаро алоқалар

сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг юксак сиёсий иродаси билан сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Ҳар икки давлат ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари янада мустаҳкамланмоқда.

2

НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИС ҚАЧОН ЧАҚИРИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисини Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисда Сенатнинг қирқ олтинчи ялпи мажлисини 2023 йил 27 октябрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қайд этилганидек, видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган ялпи мажлисда қатор масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилган.

“Пробация тўғрисида”ги, “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги, суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текшириш институти такомил-

лаштирилиши муносабати билан Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Маъмурий суд ишларини юритиш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги тўртта қонун шулар жумласидандир.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига деҳқон хўжалигини юритиш учун ажратиладиган ер участкаларининг ўлчамини оширишга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ва “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонунлар муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда “Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни (Анкара, 2023 йил 16 март) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омулдсмани)ни сайлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилиши кўзда тутилган.

«Халқ сўзи».



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ олтинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ олтинчи ялпи мажлиси 2023 йил 27 октябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш соҳасига хусусий сектор жалб қилиниши муносабати билан «Метрология тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2) 8-модданинг: Иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин: «Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати давлат метрология хизматидан, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органлари метрология хизматларидан, шунингдек республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган юридик шахсларнинг метрология хизматларидан иборатдир»;

Тўртинчи — еттинчи қисмлари куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органлари метрология хизматлари республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳузуридаги махсус ташкил этилган ҳамда аккредитация қилинган бўлиналардан иборатдир.

Юридик шахсларнинг метрология хизматлари республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган махсус ташкил этилган ҳамда аккредитация қилинган юридик шахслардан ва (ёки) улар ҳузуридаги бўлиналардан (бундан буён матнда юридик шахсларнинг метрология хизматлари деб юритилади) иборат.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органлари метрология хизматлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари зарурат бўлган ҳолларда ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича ишларни бажариш ҳамда метрология текширувини амалга ошириш учун ташкил этилади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органлари метрология хизматларининг ҳамда юридик шахслар метрология хизматларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари давлат метрология хизмати органлари билан келишиб олинган низомларда ўрнатилади»;

3) 9-модданинг: олтинчи хатбошисидаги «текшируви ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбошисидаги «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошисидаги «давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошисидаги «давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 10-модданинг: Иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин; учинчи ва тўртинчи хатбошилари тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

5) 12-модда куйидаги тахрирда баён этилсин:

«12-модда. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органлари метрология хизматларининг ҳамда юридик шахслар метрология хизматларининг ваколатлари

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларининг метрология хизматлари: аккредитация қилинган ҳолда ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш ишларини бажаради; ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга доир норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади.

Юридик шахсларнинг метрология хизматлари: аккредитация қилинган ҳолда ўлчаш воситаларини калибрлаш ҳамда ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган ҳолларда ўлчаш воситаларини қиёслаш ишларини бажаради;

ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашга доир норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади»;

6) 4-бобнинг номидаги «Давлат метрология текшируви ва» деган сўзлар «Метрология текшируви ва давлат метрология» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 18-модда куйидаги тахрирда баён этилсин:

«18-модда. Метрология текширувини ва давлат метрология назоратини амалга ошириш

Метрология текшируви Ўзбекистон миллий метрология институти, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларининг метрология хизматлари ҳамда юридик шахсларнинг метрология хизматлари томонидан ушбу Қонунда белгиланган ваколатлар доирасида амалга оширилади.

Давлат метрология назорати махсус ваколатли давлат

органи томонидан метрология тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан текшириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади»;

8) 19-модданинг номи ва биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«19-модда. Метрология текшируви ва давлат метрология назорати объектлари

Куйидагилар метрология текшируви ва давлат метрология назорати объектларидир»;

9) 20-модданинг: номидаги «Давлат метрология текшируви ва» деган сўзлар «Метрология текшируви ва давлат метрология» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Давлат метрология текшируви ва» деган сўзлар «Метрология текшируви ва давлат метрология» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Давлат метрология текшируви ва» деган сўзлар «Метрология текшируви ва давлат метрология» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 21-модда куйидаги тахрирда баён этилсин:

«21-модда. Метрология текшируви

Метрология текшируви ва давлат метрология назорати объектларининг метрологик, техник тавсифларини аниқлаш ва (ёки) тасдиқлаш мақсадида метрология текшируви амалга оширилади.

Метрология текшируви: ўлчаш воситаларининг турини тасдиқлаш мақсадида синовдан ўтказиш;

ўлчаш воситаларини ва ўлчашларни бажариш услубиётларини метрологик аттестациядан ўтказиш;

ўлчаш воситаларини, шу жумладан эталонларни қиёслаш, калибрлаш;

синов воситаларини аттестациядан ўтказиш тарзида амалга оширилади»;

11) 23-модданинг биринчи қисмидаги «давлат метрология хизматининг ваколатли органлари» деган сўзлар «махсус ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 25-модда: биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўлчаш воситаларини қиёслаш аккредитация қилинган Ўзбекистон миллий метрология институти, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларининг метрология хизматлари, шунингдек ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда юридик шахсларнинг метрология хизматлари томонидан амалга оширилади»;

куйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан тўлдирилсин;

«Ўлчаш натижалари давлат аҳамиятига эга бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхати махсус ваколатли давлат органининг Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва ушбу ўлчаш воситалари қўлланиладиган соҳадаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилган таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўлчаш натижалари давлат аҳамиятига эга бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхатига киритилмаган ўлчаш воситаларини қиёслаш юридик шахсларнинг метрология хизматлари томонидан амалга оширилиши мумкин».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киридаи.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 26 октябрь № ЎРҚ—872

АЛОҚАЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ТАКЛИФЛАРИ БИЛДИРИЛДИ

Шу билан бирга, парламентларо алоқаларни кенгайтириш ва уни амалий мазмун билан бойитиш музокарининг асосий йўналишларидан бўлди.

Хусусан, Парламентларо ҳамкорлик кенгаши ишини фаоллаштириш икки томонлама келишувларнинг амалда бажарилишини таъминлашга ишонч билдирилди.

Давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик Марказий Осиё тараққиётининг драйвери экани, парламентларо тузилмалар доирасида иш олиб борилиши минтақамиздаги қўшниларнинг ҳамжиҳатлигига хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Сухбат чоғида Парламентларо ҳамкорлик кенгаши, шунингдек, Қозоғистон Парламенти Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламент гуруҳи доирасидаги алоқаларни фаоллаштириш, қонун ижодкорлиги йўналишида ўзаро тажриба алмашиш, парламент ёш аъзолари ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиш таклифи билдирилди.

Учрашув якунида давлатларимиз ўртасида олиб даражада эришилган келишувларни амалга оширишга кўмаклашиш, уларни ҳал этиш учун қонунчиликда зарур механизм яратишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Сенат қўмиталарида

МИЛЛИЙ ДАСТУР ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Кеча Олий Мажлис Сенати қўмиталари ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, экспертлар, мутахассислар, илмий жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимизнинг 2022 йил 28 январда қабул қилинган Фармониغا асосан тасдиқланган «Инсон қадрини унгулаш ва фаол маҳалла йили» давлат дастури 29-банди ижроси юзасидан Олий Мажлис палаталари томонидан ишлаб чиқилган Қонун ижодкорлиги фаолияти бўйича миллий дастур лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бу миллий дастурдан кўзланган мақсад — ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишининг барқарорлигини таъминлаш, янги тахрирдаги Конституцияни тўлиқ амалга ошириш ҳамда «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Шу боис ишчи гуруҳ аъзолари қонун ижодкорлигининг хозирги ҳолати, уни ривожлантириш бўйича давлат сиёсати, шунингдек, миллий дастурнинг асосий вазифа ва йўналишларини батафсил муҳокама қилди.

Унда дастур лойиҳасидаги 7 та асосий йўналишга кенг ургу берилди.

Улар куйидагилар:

- миллий парламентаризм ва давлат вакиллик ҳокимияти тизимининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш;
- ривожланган демократик мамлакатлар амалиётига таянган

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Қозоғистон: ЎЗАРО ИШОНЧЛИ МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Мулоқот чоғида делегация аъзолари га «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган устувор вазифалар, унинг доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳамда Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

Ўзбекистон — Қозоғистон

ўртасидаги парламентларо алоқаларни кенгайтириш ва уни янги мазмун билан бойитиш, норма ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди. Ўз навбатида, Е. Кощанов икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлган парламентларо ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шу йўналишдаги мулоқотлар-

ни кўпайтириш ҳар томонлама фойдали эканини қайд этди.

Конструктив ва ўзаро ишонч руҳида ўтган учрашувда томонлар парламентларо ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга келишиб олдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қозоғистон Республикаси

Парламенти Мажлиси ўртасидаги Парламентларо ҳамкорлик кенгашининг Низоми имзоланди.

Учрашувдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси ўртасидаги Парламентларо ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.

Унда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий шериклиқни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар, экология, энергетика ҳамда сув ресурслари ва бошқа соҳалардаги алоқалар кўламини тобора кенгайтириш бориш лозимлиги қайд этилиб, мазкур йўналишда устувор вазибалар белгилаб олинди.

Сўз — иштирокчиларга

засини янада яхшилаш, турмуш шароитини юксалтиришга хизмат қилади.

Бугун Парламентларо ҳамкорлик кенгашининг Низоми имзоланди. Кенгашининг биринчи йиғилишида эса маданий-гуманитар, экология, энергетика, транспорт-коммуникация, инвестициявий шериклиқни янада ривожлантиришга оид бир қатор масалалар юзасидан фикр алмашди. Келгусида бу борадаги ишларимизни қўмиталар, фракцияларо кўриб чиқиш ва ҳамкорлик қилишни режалаштиряптиз.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Парламентларо ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилишида ўзаро алоқаларнинг устувор йўналишлари бўйича кўп қиррали ва узоқ муддатли шериклик, шунингдек, аънавий қардош мамлакатлар раҳбарларининг келишувларига мувофиқ йўлга қўйилган. Ўз навбатида, биз, парламент аъзолари Президентлар томонидан берилган вазифаларнинг ижроси қай даражада амалга оширилаётганини парламент орқали назорат қилиб борамиз. Бу эса халқларимизнинг ижтимоий муҳо-

га катта эътибор қаратилаётгани кувонарли, албатта. Хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон олий ўқув юрталари ўртасида ҳамкорлик бўйича қатор шартнома ва меморандумлар имзоланган. Бунинг натижасида Ўзбекистонда ҳар йили ушбу мамлакатнинг 40 га яқин олий ўқув юрталарининг кўргазма ва ярмаркалари — «Қозоғистон ташлим кунлари» ўтказилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 6 та олий ўқув юртида ташлим шакли қоқок тилида олиб бориладиган юртимиз мактаблари учун кадрлар тайёрланмоқда.

Туризм соҳасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Йиғилишда икки давлат ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантириш ва ўзаро сайёҳлик оқимини кўпайтиришга қаратилган «йўл хариталари»ни яратиш зарурлиги қайд этилди.

Лейли СЕЙТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Сўнги 20 йил ичида дунё қанчалик ўзгарганини, бунинг жамиятдаги метёрилар ва қадриятларга таъсирини барчамиз кўриб турибмиз. Бундай шароитда экологик ин-

кирозни бартараф этиш ва бу борадаги муаммоларни изчил ҳал қилиш учун, энг аввало, мутлақо янги ва яхлит ҳуқуқий дунёқараш зарур.

Шу билан бирга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ундан фойдаланишни бошқаришда маъсулиятли ва чуқур ёндашув ҳар қачондан ҳам муҳимроқдир. Ўзбекистонда Қозоғистон билан ҳамкорликда энергетика, газ ва нефть транзити, гидроэнергетика иншоотларини қуриш, энг илгор сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда, Оролбўйида биргаликда экологик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Эътиборлики, Ўзбекистон ва Қозоғистон ирригация, гидроэнергетика ва экология бўйича мутаносиблиқни таъминлашни изчил тарғиб қилиб келмоқда.

Қонунчилик палатасида ўтказилган мамлакатларимиз парламентлари аъзоларининг учрашуви алоқаларни янада мустаҳкамлаш, шу жумладан, икки томонлама муносабатларнинг барча йўналиши бўйича таклифлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

РАҚАМЛИ ИНФРАТУЗИЛМА — ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ГАРОВИ

Инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳасига ахборот технологиялари чуқур кириб борган замонда яшаймиз. Рақамли технологиялар нафақат махсусот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча ҳарajatларни ҳам камайтиради. Айни чоғда ривожланишга тўққинлик қилаётган оғир иллат — коррупция балосини йўқотишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фикр

Юқори технологиялар — ҳар қандай давлатнинг муваффақиятли ривожланишининг калитидир. Шу боис кейинги йилларда Ўзбекистонда иқтисодий рақамлаштириш, аҳолининг интернет ва мобил интернет билан қамровини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиётини асосий драйвер соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш, бу борадаги экспорт ҳажмини 500 млн. долларга

эътибор қаратиш заруратини юзга келтиради. Бу жараёнда оптик толали, радиорелеалоқа линияларини ҳамда маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини қуриш, мобил алоқа ҳамда бошқа замонавий технологиялардан фойдаланишни давом эттириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, оптик толали алоқа линиялари узунлиги 20 миң километрдан 170 миң километрга етиб, 8,5 баробарга ошди. Интернет тармоғига улашнинг умумий ўтказувчанлиги қобилияти 58 баробарга оширилди, унинг тезлиги 55 ТБ/с дан 3 200 ТБ/с га етказилди.

Энг муҳими, интернет нархини туширишга эришилди. Халқаро интернет улаши нархи оператор ва провайдерлар учун қарийб 33 баробарга арзонлашди. Натижада 1 Мбит/с учун интернетга улашнинг нархи 30 миң сумгача пайсга тушибди. Ўз навбатида, сўнги 7 йил мобайнида мо-

бил интернет нархи қарийб 9 баробар арзонлашди. Бунинг натижасида интернет абонентлари сони 2016 йилда 22 миллионни ташкил қилган бўлса, 2022 йил якуни ҳолатига 31,1 миллионга етган.

Сўнги уч ярим йилда 31,4 миңга қўшимча таянч станция ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 57,4 миңгага етказилди, республика бўйича мобил алоқа қамрови даражаси 99 фоизга, кенг полосали мобил интернет қамрови 98 фоизга етказилди.

2022 йил якуни бўйича рақамли иқтисодиёт соҳасининг мамлакатларимиз айтганда, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдан кўзланган мақсад — халқ фаровонлигини ошириш, ҳар бир фуқарога уйдан чиқмаган ҳолда давлат хизматларини олиш, товарлар харид қилиш ва коммунал тўловларни онлайн тарзда тўлаш имкониятини яратиш. Бу соҳага қаратилаётган эътибор натижасида эса инсон омили ва ортиқча қўрозозлик камайтириш ҳамда жараёнларни автоматлаштириш орқали шаффофликка эришилади.

лакат ялпи ички маҳсулотидеги улуши 2,77 фоизга етказилди. Бунда, АКТ йўналишида қўрсатилган хизматлар ҳажми эса 3,6 баробарга ошди, 22,9 трлн. сўмни ташкил этди.

Мамлакатимиз эришган ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётган, жумладан, охириги йилда Глобал инновация индекси рейтингини АКТ хизматлари экспорти қўрсаткичи бўйича 42 поғонага ошди (129-ўридан 87-ўрига кўтарилди). Етти йил ичида мобил интернет нархи рейтингини 68-ўридан 15-ўрига кўтарилди.

Хулоса ўрнида айтганда, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдан кўзланган мақсад — халқ фаровонлигини ошириш, ҳар бир фуқарога уйдан чиқмаган ҳолда давлат хизматларини олиш, товарлар харид қилиш ва коммунал тўловларни онлайн тарзда тўлаш имкониятини яратиш. Бу соҳага қаратилаётган эътибор натижасида эса инсон омили ва ортиқча қўрозозлик камайтириш ҳамда жараёнларни автоматлаштириш орқали шаффофликка эришилади.

Бекмирза ЭШМИРЗАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ҚАШҚАДАРЁ — УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Қашқадарёда ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Президентимизнинг юртимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кўтаришга қаратилган Фармон ва қарорлари ижроси вилоятда ҳам ўз аксини топмоқда.

Акс садо

Нафақат вилоят маркази, балки олис қишлоқлар ҳам мутлақо замонавий қиёфа касб этди. Одамларни йиллар давомида ўйлантириб келган йўл, ичимлик суви, электр энергияси билан боғлиқ масалалар ечим топди. Ижобий ўзгаришлар тўғрисида тадбиркорлик кенг ривожланипти, янги корхоналар қад ростлаб, минг-минглаб иш ўринлари яратилаётир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривож, аҳоли турмуши билан танишиш, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларни кўриш, навбатдаги режаларни белгилаш ҳамда халқ билан мулоқот қилиш мақсадида шу йил 24-25 октябрь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.

Бу ташир воҳа аҳлининг кучига-куч, гайратига-гайрат қўшиб, уларни янги марралар сари руҳлантиришга, фаолликка қорлагани рости. Боиси давлатимиз раҳбари халқ билан мулоқот қилиш асосида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан раванг топтириш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Хусусан, Қарши шаҳрида ўтказилган йиғилишда асосий эътибор саноат, туризм, қишлоқ ҳўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилди. Вилоятда йилнинг тўрт мавсумида ҳам туристларни жалб қилиш салоҳияти бор. Давлатимиз раҳбари ушбу масалаларга тўхталар экан, қўлай инфратузилма яратиб, туристларни қўлайитириш йўллари кўрсатиб ўтди. Хусусан, Германияда ҳамкорлар билан Шаҳрисабз туманидаги 3 та туризм маҳалласи мастер-класслари ташкил қилинди. Бунда 450 млн. доллар қўшимча инвестиция ва йилга 1 млн. сайёҳ жалб этидиган инфратузилма яратилди.

Архитектура ечимлари қўлланилган ушбу тадбиркорларда соҳа-

га иштиёқ кўчаиди. Бунинг ҳисобидан Шаҳрисабзнинг ўзида йилга қўшимча 500 млрд. сўм тушум кутиляпти, 5 мингта янги доимий иш ўрни пайдо бўляпти.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Вилоятда автотранспортда келишни қўлайлаштириш мақсадида Тахтакорча доноидан ўтиш талаблари енгиллаштирилади. Келгуси йилда доводна янги туннель ва йўл қуриш лойиҳаси бошланиши узоқни ўйлаб қилинаётган тўғри ва ниҳоятда оқилона қарордир.

Яна бир муҳим йўналиш — қишлоқ ҳўжалиги соҳаси бўлиб, вилоятдаги мавжуд 1,4 млн. гектар яйловда 10 млн. бошгача чорва молларини боқиш имконияти бор. Лекин Миришкор, Муборак ва Нишонда 20 фойз яйлов деградацияга учраган, яна 25 фойзда "яшил" қоплама умуман йўқ. Шу жиҳатдан, келгуси йилда 100 минг гектар яйловни яшил экинлар билан қоплаш дастурини амалга ошириш тақлиф қилинди. Бу борада қўрғоқчилик, иссиқ ва чўлланишга қарши уруғчилик ҳўжаликлари тузиш, мева-сабзавот ва дривор ўсимликлар экиш, дарактзорлар барпо этиш, сув тежовчи технологиялар жорий қилиш тавсия этилди.

Давлат раҳбарининг ташаббусига асосан йилларда кўеи энергиясида ишлайдиган насослар ўрнатилиб, ёмғирлатиб суғориш пилот лойиҳасини амалга ошириш орқали маданий яйлов-

ларга асос солинади. Ушбу амалиётни кенг қўлаш орқали яйловларга нисбатан иқлим ўзгаришлари ва антропоген таъсирларнинг олди олинди, уларнинг ҳосилдорлиги оширилади. Бу, ўз навбатида, вилоятга азалдан ҳос бўлган чорвачиликнинг қўрақўлчилик, қорамолчилик, йилқиччилик йўналишларини кескин ривожлантириш, 100 минг қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш имконини яратди.

Сув — дунёда муқобили йўқ бебаҳо неъмат, тириклик манбаи. Ҳозирги кунда сувга бўлган талаб ва эътиёб ҳар қачонгидан тобора ортиб бораётир. Мамлакатимизда сўнгги олти йилда ичимлик суви соҳасига Давлат бюджетидан 14,5 трлн. сўм ёки олдинги даврдагига нисбатан 6 баравар кўп маблағ ажратилган. Қашқадарё вилоятида ҳам аҳолини марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминлаш бора-сида салмоқли ишлар қилинди.

Аммо экинларни сув билан таъминлаш масаласи йилдан-йилга қийинлашиб бормоқда. Бу муаммо вилоят учун айниқса, долзарб. Яъни сув тежовчи технологиялар 515 минг гектардан атиги 16 фойзидан жорий қилинган, ҳолос. Шу боис воҳада 15 та лазерли текислаш техникаси олиб келиниб, сув таъминоти оғир Косон, Миришкор, Қасби ва Нишон туманларида деҳқонларга арзон ва сифатли хизмат кўрсатиши йўлга қўйилиши аниқ мудоаодир.

Ушбу масалаларга эътибор қаратилар экан, суғориш тармоғини босқичма-босқич ёпиқ тизимга ўтказиб, 30 фойз суви тежаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга каналларни бетонлаш, қўшимча насос ва техника олиш, "Пахтаобод" каналини модернизациялаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат раҳбарининг Қашқадарёга таширфи одамларнинг фаровон ҳаётини таъминлаш ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, вилоятни янада ривожлантириш, инсон қадрини улуғлаш, халқ розилигини олиш, ҳудуднинг бекиёс имкониятларини юзга чиқаришга ҳизмат қилади. Зеро, бу вилоятнинг 3 ярим миллионлик аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, оғирини енгиллаштириш, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Ислом ХУШВАҚТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ДУНЁ ЭЪТИРОФИДАГИ САНЪАТ АНЖУМАНИ

Авал хабар берилганидек, 16 — 20 октябрь кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилган IV Тошкент халқаро амалий санъат биенналесиди бўлиб ўтди. Мазкур санъат ҳафталигида дунёнинг кўплаб мамлакатлари вакиллари ҳамда 100 дан зиёд ўзбекистонлик амалий санъат усталарининг ижод намуналари намойиш этилди. Аънавий тўқимачиликка бағишланган қатор кўргазмалар, маҳорат дарслари, "XV — XVII асрлар Марказий Осиё миниатюраси" китоби тақдироти, "Амалий санъат манзараси: аънавалар ва арт-бозор" халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Иштирокчиларда унутилмас ва бой таассурот қолдирган санъат биенналесиди якунланган бўлса-да, унинг тафти, ҳарорати ҳали ҳам сўнгани йўқ. Ушбу санъат анжумани иштирокчиларининг қўйидаги дил сўзлари, фикр-мулоҳазалари буни яққол ёдодлаб турибди.

Дил сўзи

Ақмал НУРИДДИНОВ, Ўзбекистон Бадий академияси раиси, Ўзбекистон халқ rassоми:

— Биеннале иштирокчилар кўлами кенглиги, кўтаринки руҳи, шукуҳи билан том маънода санъат ва маданият байрамига айланди. Айни пайтда ушбу анжуман янгиланаётган Ўзбекистонда айни соҳада қўри ўсиш кузатилаётганини, ёш иқтидорлар камолга етаётганини, халқимизнинг бадий диди ва сависси юксалиб бораётганини яна бир бор исботлади.

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда барча соҳада кечаётган ислохотлар жараёни тасвирий ва амалий санъат ривожига ҳам катта туртки берди. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб халқаро амалий санъат биенналесини ўтказиши йўлга қўйилди. Ушбу тадбир сабаб қўлайб истеъдодларни кашф этиди, уларни академиямизга аъзо қилдик. Санъат анжумани замонавий амалий санъат асарларини намойиш этиш, бу борада халқаро тажриба алмашинувини йўлга қўйишда катта имкониятлар яратди. Янги Ўзбекистонда халқ амалий санъати соҳасига кўрсатилган эътиборни халқаро миқёсда кенг тарғиб қилишда, турли мамлакатларнинг соҳа вакиллари учун-хунармандларининг ўзаро мулоқот ўрнатилишида аҳамияти катта бўлди.

Ёшико САИТОВ, амалий санъат устаси (Япония):

— Тошкент халқаро амалий санъат биенналесиди даражасиди йилдан-йилга ортиб бормоқда. Биеннале

доирасида Япониянинг бадий сирлашга оид санъати ақс этган асарларини тақдим қилдим. Мендан ташқари ҳам бошқа япон усталари ўз ижод намуналари билан қатнашди. Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон маданияти ўз вақтида Япония тамаддунига ҳам катта таъсир қилган. Мен ҳавола этган асарларда бу жараён яққол аксини топган.

Менга ўзбекларнинг ёғоч ўймакорлиги намуналари жуда ёқди. Сабаби, ёғочга шу қадар нозик нақшларни ўйиб чиқиш юксак маҳорат, қўнғ талаб этиди. Ўзбек усталарининг ишларида ҳам аънаванавийлик, ҳам замонавийлик ўйғунлашгани эътиборимни тортиди.

Лоренцо АЛТАМОРЕ, амалий санъат устаси (Италия):

— Биенналега қўйилган ижодий ишим сайёҳ Марко Поло ва Буюк Ипак йўлига бағишланган. Унда Марко Поло фаолиятига доир чизмалар ҳамда Самарқандни ақс эттирганман. Асосан, шиша, резина ҳамда турли бўёқлардан фойдаланганман.

Жозебали ўлкангиз менда улкан таассурот қолдирди. Ўзим Ўзбекистон ва Италия ўртасида санъат, маданият алоқаларини ўз лойиҳаларини билан янада ривожлантириши мақсад қилганман. Ижодкорлар аилҳом завқини бағишлаган ушбу биеннале ҳақиқий байрамона руҳда ўтди.

Алтинжамал БАЙЛИЕВА, амалий санъат устаси (Туркманистон):

— Туркманистонда қояларга ах-додларимиз томонидан ўйиб чи-зилган турли ҳайвонлар, одамлар-

нинг тавсирлари жуда қадимий бўлиб, мен ёшлигимдан уларга қизиқаман. Мазкур санъат биенналесиди ўзимнинг "Петроглифлар сирлари" асарим учун ҳакамлар ҳайъати томонидан биринчи ўринга муносиб қўрилдим. Бундан жуда хурсандман.

Тошкентда илгари ҳам бўлганман, бу сафар уни бутунлай танимай қолдим. Осмонўпар бинолар, яшил боғлар мени хайратга солди. Энг муҳими, ўзбек халқи самимияти билан ақраблик туради. Бундай маҳобатли санъат байрами учун ташкилотчилардан миннатдорман.

Ширин МЕЛИКОВА, ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Музейбайжон Миллий гилам устаси директори (Озарбайжон):

— Биенналеда дунёнинг турли бурчақларидан келган, ўз ишининг устасиди бўлган маҳоратли санъат на-моёндалари ва ёш хунармандлар қатнашди. Уларнинг ҳар битта асарини таҳсинга лойиқ ва шунинг учун бош соврин — Гран-прига кимни муносиб қўриш ачина баҳс-муноза-рага сабаб бўлди.

Охир-оқибат биеннале ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, "Фалакнинг гардиши ёҳуд бир каштадўз қисса-си" шахсий кўргазмаси учун ўзбекистонлик каштадўз Мадина Қосим-боева Гран-при совринига муносиб қўрилди. Унинг асарларини томоша қилган одам ўзини афсоналар оламига кириб қолгандай ҳис қилади. Буни эса сўз билан ёдодлаб бўлмайди. Анжуманда замонавий ўзбек ва хориз безак санъати, миллий қўлчилик, зардўзлик, ўймакорлик, заргарлик асарлари кўргазмалари, маҳорат дарслари, тақдимотлар ўтказилди.

Ирина ТКАЧЕВА, амалий санъат устаси (Россия):

— Биеннале доирасида "Амалий санъат манзараси: аънавалар ва арт-бозор" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил қилинди. Унда Ўзбекистон, Россия, Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон, Мўғулистон ва бошқа мамлакатлардан қатнашган санъатшунос олимлар томонидан амалий санъатни янада ривожлантириш, миллий аънаваларни сақлаш ва бойитиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг кўпгина тарихий шаҳарларида бўлганман ва ҳар гал келганимда янги-янги дўстлар ортиранман, ижодий ишларим учун жуда кўп мавзуларни кашф қиламан. Чунки бу қадимий диёр континентал об-ҳавосиди, афсонавий гўшалари, мазаали таомлари билан ҳамани ўзига мафтун қилади. Бу сафар ҳам санъат анжуманидан катта таассуротлар олдим.

Нурлан ЖОРОЕВ, амалий санъат устаси (Қирғизистон):

— Анжуманда халқ амалий санъатида аънаваларни сақлаш борасида Ўзбекистон тажрибасиди бўйича фикрлашилди, шу аснода арт-бозор жараёни бошқа давлатлар, масалан, Россия, Озарбайжон, Мўғулистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистонда аънавалар бардавомлигига қандай таъсир кўрсатаётгани, бозор муносабатлари шароитида уларни асраб қолиш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳақон санъат бозориди нарх ва бадий сифат, амалий санъатда миллийликни оммалаштиришда музейларнинг роли, бадий қўлчиликда ўзига ҳослик ва аънавалар, замонавий арт-бозорнинг ривожланиши истиқболлари каби мавзуларда фикр алмашилди, тақлифлар ўртага ташланди. Ўйламанки, илмий алмашинувлар, тақлифлар натижасиди келгусида амалда ўз аксини топади.

Зарафшон ШАКАРДОДОВА, амалий санъат устаси, заргар (Тожикистон):

— Бу йилги биеннале ҳайъат аъзолари соҳанинг халқаро даражада ном қозонган нуфузли вакиллари бўлиб, улар томонидан ижодий ишлари энг яхши деб топилган иштирокчилар Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тақдирланди. Ҳеч ким эътибордан четда қолмади. Анжуман иштирокчиларига биеннале сертификатиди ва махсус совғалар топширилди.

Қатнашчилар сафиди бўлганимдан жуда бахтирман. Бундай санъат анжуманлари ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстлик, қўшчилик, қўн-қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлашга, янгича мазмун билан бойитишга ҳизмат қилади.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

УМУМИЙ ЮКСАЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

Қадимий Ипак йўли асрлар мобайнида тинчлик ва ҳамкорлик, очкилик ва инклюзивлик, бир-бирини ўрганиш ва ўзаро ҳамкорлик макониди бўлиб, халқлар фаровонлигига ҳизмат қилиб келди. Бу йўл бутун инсоният тамаддунининг бебаҳо бойлигига айлангани билан аҳамиятлидир. Ун йил муқаддам Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин илгари сурган "Бир макон, бир йўл" ташаббуси ҳам Буюк Ипак йўлининг аҳамиятини, қадрини оширишга қаратилган бўлиб, давлатлар ўртасида сиёсий мулоқотни фаоллаштириш, коммуникацияларни туташтиришга кўмаклашиш, савдо алоқаларини либераллаштириш, капиталнинг ҳаракатини таъминлаш, одамларни яқинлаштиришга ҳизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Мулоҳаза

Ўтган йиллар давомида ўнлаб давлатлар умумий мақсад йўлида бирлашди. "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида улкан тараққиёт йўли босиб ўтилди. "Бир макон, бир йўл"нинг географик қамрови Евроосийдан Африка ва Лотин Америкасигача бўлган маконни ўз ичига олади. 150 дан зиёд мамлакатлар ҳамда 30 та халқаро ташкилот "Бир макон, бир йўл" доирасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларни имзолашган.

"Бир макон, бир йўл" ташаббуси ҳам амалий лойиҳалар, ҳам институционал тузилмалар билан бойиб бормоқда. Қўшма маслаҳатлашувлар, биргаликда олиб борилаётган қурилишлар, аҳолининг фаровонлиги ҳамда барқарор ўсиш, очки, "яшил" ва ҳалол ривожланишни мўлжаллаган ҳолда юксак марраларни эғзалоб бориш принциплари айланади. Лойиҳа доирасида ривожланаётган давлатларда уч мингта лойиҳа ишга туширилгани, мазкур лойиҳаларга деярли 1 трлн. доллар сарможа киритилгани эътиборга молик.

Таъкидлаш керакки, ўн йил ичида темир йўллар, автойўллар, ҳаво ва денгиз портлари, қувурлар таъничи бўлган транспорт ҳамда ахборот йўлақларидан иборат ўзаро боғлиқликнинг глобал тармоғини яратишга муваффиқ бўлинди. Замонавий ҳаво ва денгиз портлари, кўп тармоқли алоқа йўллари, жадал ўсаётган савдо-иқтисодий ҳамда индустриал парклар янги иқтисодий йўлақларни қуриш учун қўлай шарт-шароитларни яратди, ўсишининг қўшимча драйверларига куч берди.

Турли-туман маданий-гуманитар тадбирлар, хусусан, маданият йиллари, санъат фестиваллари, ярмарка ва кўргазмалар, ноёб лойиҳалар, ақл марказлари, ОАВ, ёшлар ўртасидаги алоқаларнинг қурулушуви "Макон ва йўл" ҳамкорлиги солномасида катта саҳифаларни очди. Ҳар қандай масалаларни биргаликда муҳокама қилиш, шерикликдаги бунёдкорлик ва умумфойдаланиш тамойилларига асосланиши ушбу ташаббуснинг ҳаётийлигини таъминлади. Мазкур илгор ташаббусдан беригина Хитой эмас, балки у билан муносабатларга киришган ҳар бир мамлакат фойда кўрмоқда.

Айтиш мумкинки, сарможий шериклик — бу дўстлик, ишонч, умид рамзи-

дир. Қолаверса, бугун ўзаро манфаатли ҳамкорликсиз катта мақсадларга эришиш ва улкан вазифаларни урдалаш имконсиз. Ҳаёт қонуни шундан иборатки, бошқаларга ёрдам берсанг, ўзингача ҳам ёрдам қилган бўласан. Ахир, Ипак йўлининг ташаббуси тарихда ўз ўрнини яхши ниятлар билан, қарвонлар, савдо кема-лари ва дўстлик билан эғзалган. "Бир макон ва бир йўл" ташаббусининг яна бир аҳамияти шундаки, унда блоклар ва ғоявий қарама-қаршилик ҳамда сиёсий йўнларга, бир томонлама санкцияларга йўл йўқ, умумий тараққиёт ва муштараб манфаат қўриш мақсадидаги тамойиллар устувор.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, "Бир макон, бир йўл" доирасидаги лойиҳаларни қўлаб-қуватлаш мақсадида Хитой Эксимбанки ва Тараққиёт банки 350 млрд. юан миқдорда кредит линияларини очаётган бўлса, "Ипак йўли" фонди молияси 80 млрд. юангача оширилмоқда. "Бир макон, бир йўл" учинчи халқаро форуми доирасида ўтказилган Бир ижрочи директорлар конференциясида 972 млрд. АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланди.

Хитойнинг стратегик шериги сифатида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб "Бир макон, бир йўл" ташаббусини қўлаб-қуватлаган. Ўзбекистон мазкур ташаббуснинг асосий мақсад ва вазифаларини янада илгари суретишини қатъий тарафдор.

Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда ХХРнинг мамлакатимизга инвестициялари ҳажми беш баробар, қўшма корхоналари сонин уч баробар кўпайди. Жорий йил бошидан бери ўзаро савдо ҳажми 36 фойзга ошди. Йил якунигача ушбу кўрсаткич 10 млрд. доллардан орттичи қутулмоқда. Ўзбекистон ва Хитой ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг яқин беш йилда 20 млрд. долларга етказишни ниёт қилган. Хитой компаниялари ва молиявий институтлари, Ўзбекистонда технология, муқобил энергетика, кимё, машинасозлик, металлургия, электротехника, инфратузилма ва бошқа йўналишларда ийрик инвестиция лойиҳаларини амалга оширмоқда.



ли вужудга келган ҳозирги геосиёсий бекарорлик шароитида ушбу дастурнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Икки мамлакатнинг ҳамкорлиги ҳақида сўз кетганда, иқлим масалалари доимий эътиборда бўлиб келаётганлигини таъкидлаш ўринли. Чунки Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё жаҳондаги иқлим ўзгариши оқибатларидан энг кўп зарар кўраётган минтақалардан биридир.

Хитой эса Ўзбекистон ва Марказий Осиёда ҳавфсизлик, барқарорлик ва тараққиёт бўлишини истиади. Шу нуқтаи назардан, минтақамиздаги ҳеч бир муаммага расмий Пекин бефарқ эмас. Олайки, Хитойнинг "Яшил Ипак йўли" ташаббуси иқлимни яхшилашга қаратилган. Бу ташаббус моҳият эътибори билан умумий "яшил" келажак кун тартибини шакллантиради.

Ушбу ғоя ХХР Раиси Си Цзиньпин томонидан илк бор 2016 йилда айнан бизнинг мамлакатимизда эълон қилинган эди. Ҳозирги вақтда минтақамиз мамлакатлари глобал исмиш, экологик мувозанат бузилишининг аномал об-ҳаво шароитлари, тез-тез юз бераётган қўрқоқчилик ва чанг бўронлари, ерларнинг шид-дат билан деградацияга учраши ва чўлланиши, биохимилмаҳиллининг йўқолиши каби жиддий таҳдидлардан азият че-каётгани ҳам айни ҳақиқат.

Ҳатто Марказий Осиёда ўртача ҳаво ҳароратининг ошиб бориши дунёдаги умумий кўрсаткичлардан икки марта юқори. Президентимиз ўз нуқтаида айтиб ўтганидек, 2024 йил Марказий Осиёда "яшил" тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш йўлида фикр алмашиш ва савй-ҳаракатларни бирлаштириш учун Самарқанд халқаро иқлим форумини ўтказиш режалаштирилган. Бунда, албатта, Хитой каби стратегик шерикларимизнинг иштироки ва дастаги муҳим аҳамият касб этиди.

ўзаро боғлиқ ҳолда амалга ошириш тақлиф этилди.

Бунда иқтисодий тармоқларини "яшил" тараққиёт талаблари асосида трансформация қилиш ва рақамлаштириш, транспорт ва энергетика тармоқларида барқарор инфратузилмани яратиш, "яшил" саноат қувватларини ишга тушириш, камбағалликни қисқартириш ва "ақли" қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш талаб этилади.

"Яшил" ишлаб чиқариш занжирлари ва инновацияларни ривожлантириш соҳасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш ҳам муҳим. Бу борада Хитой компаниялари тажрибаси катта.

Президентимиз Хитойнинг етакчи компаниялари билан биргаликда ва бошқа хоржий ҳамкорларни жалб этган ҳолда, "яшил" технологияларни кенг жорий қилиш асосида саноат соҳасида ва муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дас-

“ Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда ХХРнинг мамлакатимизга инвестициялари ҳажми беш баробар, қўшма корхоналари сонин уч баробар кўпайди. Жорий йил бошидан бери ўзаро савдо ҳажми 36 фойзга ошди. Йил якунигача ушбу кўрсаткич 10 млрд. доллардан орттичи қутулмоқда. Ўзбекистон ва Хитой ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг яқин беш йилда 20 млрд. долларга етказишни ниёт қилган.

турларни амалга ошириш учун Оролбўйи минтақасида Махсус намунали технология парк ташкил этилишини билдирди. Демак, Хитойнинг "Макон ва йўл" дастурининг "яшил" инвестициялар тамойиллари борасидаги ташаббуси биз учун ҳам фойдали. Қолаверса, давлати-миз раҳбари Ўзбекистонда "Яшил молия-иштироки" ҳамгармасини тасвिस этиш-ни тақлиф қилди. Унинг аҳамияти шун-даки, жағмарга кам улгеродли иқтисодиёт ва "тоза" технологияларни ривож-лантириш, шунингдек, минтақа мамла-катларида юқори экологик стандартлар-ни жорий этиш учун молиявий ресурслар-ни сафарбар қилишининг таъсирчан воситасига айланади.

"Макон ва йўл" дастурида иштирок этаётган мамлакатлари "яшил" махсу-лотлар, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги мах-сулотларининг ўзаро савдосидаги че-лов ва тўсиқларни камайтириш, "яшил" энергияга ўтиш бўйича мулоқотни фаол-лаштириш ва ташаббусга қўшилган ма-млакатлар вазирларининг мунтазам учра-шувларини ўтказиш, Оролбўйи халқаро инновациялар маркази негизиди "яшил"

билим ва ечимларни трансфер қилиш бўйича илмий-ахборот платформасини ишга тушириш, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш уни-верситети негизиди "яшил" тараққиёт ва экология соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва академик алмашувини ри-вожлантириш бўйича қўшма дастур ишлаб чиқиш тақлифлари ҳам халқаро ҳамжа-мият эътирофига сазовор бўлмоқда.

Чунки иқлим муаммоси бир давлатнинг "бошоғриги" эмас. Бу бутун инсониятга дахлдор масала. Шу ўринда Президенти-миз таъкидлаган яна бир муҳим жиҳатга тўхталасак. Яъни жамиятда табиий ресурслар ва атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёт-корлик билан муносабатда бўлиш бўйича аънаванавий қадриятларни, маданиятни қарор топтирсандан турбди, "яшил" тараққиётни таъминлаб бўлмайди. Табиатга нисбатан беписандлик, адолатсизлик, эътиборсизлик бугунги оғир экологик

лукотта салмоқли ҳисса қўшиш ниётида эканлигидан далолатлар. Бунда илгари сурилган ташаббуслар, Хитой — Марказий Осиё ва Фарбий Осиё ўртасида иқтисодий йўлакни ривожлантириш, "яшил" иқтисодиётга эътибор ва инсон капита-лини ривожлантириш жамият тараққиёт-ти учун ниҳоятда муҳим.

Ўзбекистоннинг глобал эркин с

